


ТАНЛОВ-1443: «МАЗҲАБЛАР — БИРЛИК РАМЗИ» Ихтилофларнинг ягона ечими - мазҳабга эргашишда (иккинчи мақола)



17:21 / 19.10.2021 1086

Фикҳий мазҳабга амал қилиш айниқса бугунги кунда янада аҳамиятли ва зарурдир. Чунки мазҳабга эргашиш мавжуд турли ихтилофлар ва келишмовчиликларнинг олдини олиб, ҳамма ўз мазҳабига амал қилган ҳолда, ўзга мазҳабларни ҳам ҳурматлашига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам уламоларимиз: «Ижтиҳод даражасига етмаган кишилар муайян бир мазҳабни ушлаши лозим. Шунда ихтилофлардан сақланади», дейдилар.

Самҳудий «Иқд ал-фарийд фий аҳком ат-тақлид»да айтади: «Тўрт мазҳабни ушлашда катта масолиҳул мурсала бор. Улардан юз ўгиришда эса катта фасод-бузуқлик бор. Биринчидан, уммат шариатни танишда ўтган олимларга суянишга ижмо қилганлар. Тобеинлар саҳобаларга, табаъ тобеинлар эса тобеинларга суянганлар. Қолаверса, ҳар бир табақадаги олимлар ўзларидан олдингиларга суянганлар».

Иккинчидан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ўзингизга катта жамоани - саводи аъзамни лозим тутинг!**» деганлар. Мазҳабларга эргашиш саводи аъзамга эргашиш демакдир». (Абдулҳай Лакнавий. «Мажмуатул фатово». 1-жилд. - Лакнав: Юсуфий, 1907. - Б. 22-25.).

Валийуллоҳ Деҳлавий: «Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида шофеийларнинг ҳам, ҳанбалийларнинг ҳам, моликийларнинг ҳам мазҳаби йўқ. Шунинг учун ушбу шаҳарларда яшовчи ҳар бир билимсиз инсонга **Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳабига тақлид қилмоғи вожибдир. Унга ўз мазҳабидан чиқиши ҳаромдир**», дейди. (Валийуллоҳ Деҳлавий. *Ал-Инсоф фий баяни асбаб ал-ихтилоф*. – Байрут. Дар ан-Нафаис, 1986. – Б. 75.).

Шу ўринда яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазҳаблардаги ихтилофлар динимизнинг камчилиги ҳам, ундаги қарама-қаршилик ҳам эмас. Бундай ихтилофнинг бўлмаслиги мумкин ҳам эмас. Шу боис, қиёсга мурожаат қилиш ва ҳукмларнинг иллатига, шариат соҳибининг ғаразига, шариатнинг умумий мақсадларига назар солиш ҳамда ҳодисалару янги пайдо бўлган масалаларда унинг ҳукмини жорий қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолатда уламоларнинг фаҳмлари ва бир неча эҳтимолдан бирини устун қўйишлари ҳамда шунга биноан бир масала бўйича чиқарадиган ҳукмлар ҳар хил бўлиши табиийдир.

Шунингдек, тўрт мазҳаб имомлари Қуръонни шаръий аҳкомларнинг биринчи манбаси қилиб олишлари аввало, уларни ўзаро бирлаштирган, қолаверса, мусулмонлар жамоасини ҳам бирлаштириш орқали турли тафриқалардан сақлаб қолган. Агар бундай қилинмаганда, ҳамма ўзича иш кўриши ва умматнинг турли ихтилофларга дуч келиши тайин эди.

Имом Муҳаммад Абу Заҳра бундай дейди: «Мазҳаб имомлари ва бошқа шу каби фақиҳлар ўртасидаги ихтилофлар диннинг аслига ва шариат асосларига тегишли эмас. Балки фаръий масалаларни турлича талқин этишдан келиб чиқади. Улар Қуръон ва суннатнинг муқаддаслигига иттифоқ қилишиб, ҳатто саҳобаларнинг сўзларига хилоф йўл тутишга ҳам руҳсат бермасдилар. Чунки саҳобалар ваҳий нозил бўлишига ва рисолатга гувоҳ бўлган, нубувват илмини бевосита Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қабул қилиб, кейинги авлодларга етказган кишилар эдилар. Ихтилофларни шариат асосларига алоқадор дейиш тўғри эмас. Баҳс қилаётган икки томондан бирининг қатъий далилга эга бўлмаган фаръий масалаларга тегишли бўлиб, фатволари шариатга нисбатан дарахтнинг шохларига ўхшайди, яъни барча шох ва новдаларни бирлаштириб турувчи асл манба ягона».

Доктор Ваҳба Зухайлий: «Ислом тарихида фикҳий мазҳабларнинг мусулмонларнинг бирлигига таҳдид соладиган ўзаро низолар ва қуролли тўқнашувларга олиб келганини билмаймиз. Зеро, фикҳий ихтилофлар

зиёни йўқ жузъий ихтилофлардир. Аммо, умматга путур етказувчи, уларнинг қувватини парчаловчи, борлиғини яксон этувчи ихтилоф эса, ақийдадаги ихтилофдир», деган. *(Ваҳба Зухайлий. Ал-фиқҳ ал-исламий ва адиллатуху. – Дамашқ. Дар ал-фикр, Ж. 2. – Б. 83-85.)*

Аллоҳ таоло барчамизни ота-боболаримизнинг мазҳаблари бўлмиш Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг йўлларини ушлаб, бир ёқадан бош чиқариб, ихтилоф ва тафриқачиликка берилмасдан, ўзаро ҳамжихатликда ҳаёт кечириб боришимизни насиб айласин!

(Тамом)

Даврон Нурмуҳаммад

Эслатма:

Танлов иштирокчиларидан қуйидаги мавзуларда мақола ҳамда (араб, рус, инглиз, форс ва бошқа тиллардан) таржималар, илмий-тадқиқот ишлари, аудио ва видеосўхбатлар тақдим этишлари талаб этилади:

- Мазҳаб тушунчаси ва унинг тарихи;
- Мазҳаб ҳақида мўътабар уламоларнинг фикрлари;
- Мазҳаб имомлари ва уларнинг шогирдлари;
- Мазҳабнинг усуллари;
- Мазҳабга оид мўътабар асарлар;
- Масҳабсизлик ва унинг хатарлари.

Танлов шартига кўра, тақдим этилаётган материаллар аввал бошқа манбаларда берилмаган бўлиши, илмий асосланган бўлиши лозим.

Танлов тўрт чоракдан иборат бўлиб, ҳар бир чорак битта мазҳабга бағишланади:

- 1-чорак — ҳанафий мазҳаби;
- 2-чорак — шофеъий мазҳаби;
- 3-чорак — ҳанбалий мазҳаби;
- 4-чорак — моликий мазҳаби.

Иштирокчилар томонидан тақдим этилган материаллар islom.uz сайтида эълон қилиб борилади. Материалларни @islomuztanlovbot телеграм манзилига юборишингиз мумкин. Танлов 1443 йил зулҳижжа ойида (2022 йилнинг июль ойида) якунланади.

Марҳамат, танловда иштирок этинг!